

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

Тахмин қилинишича,
1000 йилга келиб мам-
лакатда 5 процент
электр энергия ша-
лоқ электростанция_
лари орқали оли-
нади. Ҳозир Амстердам-
да ана шундай иккита
электр станция ишлаб
чиқарибди.



М. Горький номи Москва бадий академик театрида М. Метерлинкнинг «Кўн куш» спектакли 3000-мартга қўйилди. Жаҳон драматургиясининг энг яхши поэтик асарларидан ҳисобланган драманинг премьераси 1968 й. 10 йиллиги юбилейида бўлиб ўтган эди.

СУРАТДА: ана шу спектаклдан сажна. ТАСС фотохроникаси.

• МАДАНИЯТ ХАБАРИ

Болалар ижоди кўргазмаси

Ўзбекистон ССР Республикаси Марказий кўргазмалар за-
лида республика бола-
лар ижоди кўргазма-
си очилди. Республика
Маориф ва ҳаётнинг
ва Республикаси
томонидан ташкил этил-
ган кўргазма «Рес-
публика ёш талантлари
ижоди — жонажон со-
циалистик Ватанга»
деб номланади. Унда
Тошкентдаги санъат
мактаблари, пионерлар
саройлари ва уйлари
қошидаги тасвирий
санъат студиялари,
мактаб ўқувчилари ва
мактабгача тарбия бо-
лалар муассасалари
тарбияланувчи л а р и
ижодига мансуб асар-
лар намоиш этилмоқ-
да. Аниқсиз Куйбишев
районидagi санъат
мактаби ўқувчиси Ло-
ла Тошпўлатова, шу-
нингдек, Ирина Фёдо-
рова, Наташа Пашко-
ва, Карима Жалолова
ва бошқа ёшларнинг
акварель ва пейзаж
асарлари томошабин-
ларга манзур бўлмоқда.



Пойтахтимизнинг Шароф Рашидов проспектидаги сиёсий адабиётлар ва плакатлар китоб мағозини доимо ҳариддорлар билан гажум. Бу ерда Бутунтўғиш коммунистик шанбагидаги бағишланган янги плакатлар, китоб ва рисоаларни сотиб олиш мумкин.

СУРАТДА: китоб мағозинида. М. Нуриддинов фотоси.

ҚАЛБИМ ФАҚАТ СИЗНИ ДЕЙДИ...

Абдукарим Набиҳўжаевнинг инсон қадр, ода-
мийлик, бурчга садоқат, замондошларимизнинг маъ-
навий қиёфаси ҳақидаги очерк ва ҳикоялари рес-
публика газета ва журналларида эълон қилинган.



«Кўёв тўрнинг саргузаштлари» туркумидagi
«Қалбим фақат сизни дейди...» ҳикоясида ҳам ёш-
ларнинг турмуш қуриши муаммолари ҳақида сўз
боради.

— 1 —
Дил аралари битиб, саргузаштларим унут
бўлаётган кунларнинг бирида... Ҳа, топдир.
гиз. Яна бошимга ишқ савдоси тушди.
— Қаршимда, қаердан келганини билмайди
қолдим, ой деса ой, кун деса кун, шахмат нус-
ха атлас кўйлаги қўйиб қўйгандай ярашган,
лаблари гилос, кўзлари чарос, айни қамолга
етган бир қиз пайдо бўлди. Эс-қўшимни йи-
ғиштириб олар-олмас:
— Ассалому алайкум, — деди-ю, бошини ҳам
қилганча ўтиб кетди.
Ие, қўшимнингизнинг қизи Гўзал-ку!
Умр — оқар дарё деганларича бор. Яқиндаги-
на эмасмиди, жамалак сочи қизалоқ акаси би-
лан қувалашиб бизникига кириб қолганди.
Лаблирини чўчайтириб, энтанга-энтанга тег-
жонлиқ қилаётган акасини «чаққанди». Ушан-
да пўписа қилган бўлиб Ваҳромини қизартир-
ган, қизчани ҳовлидаги сўрига ўтказиб қўйиб,
наридан-бери расмини чизгандинда, қўлга
тутқазиб алаҳситиб юборгандин.
Кейин политехника институтинида ўқиб юра-
нимда бизникига чиқиб, чизмаларини кўрс-
атиб юргани ёдимда. Қўлимдан келганча ёр-
дамлашиб, тегинчи маслаҳатлар берардим.
Унинг театр ва рассомлик санъати институти-
га ўқишга кирганига сира ажабланмагандим.
Чуқир расм чизнишга қўли келиб қолганди.
Очингани айтсам, тўй моҳароси бошланмасдан
олдиноқ шу қиз кўнглимнинг тўрида турарди.

— 2 —
Лекин қариндош-уруғлар бири олиб, бири
қўйиб «мехрибонлик» қилаверган, ўйлаиб
қолгандин. Нима бўлганда ҳам улар мен учун
жон қўйдиришпти. Балки Гўзалга нисбатан
муносабатим шунчаки ишқибозликдир. Боз у-
стига, қўлдай қўшимиз бўлса. Одамлар уят
қилмасмикан? Одоб доирасига кирармикан шу
ишим. Қизнинг ўзи нима деркин. Одатдаги
дўстона алоқаларни севганга тақашга қандай
журъат этилиши, деб таъна қилмасмикан?
Надидимда. Гўзалга бу ҳақда оғиз очишга ҳақ-
қим йўқдек. Қандайдир андиша, истиҳола
қўқрагимдан итариб турар, қалбим нидосига
қўлоқларимни ҳар қилиб олгандин.
Саргузаштларда юз берган ҳар галги мағ-
лубиятдан сўнг ҳаёв қўлини қизга етаклар, ле-
кин Гўзалнинг аёвсиз «савалашлари» мени
ахлдандан қайтарарди. Оянаган очик кўнгли
эмасмидир, сира ичларидида гап ётмасди. У
кун, кун ора бизникига қачиб, ҳовлимизни
супуриб-сидириб юратганди. ўз қизнайди бўлиб
қолган Гўзалга ҳасрат қилиб қўнларидида бор
гапни тўкиб солардилар.
Шадлод қиз бўлса уйга чиқарилди, омади
юриммаганди кўёв тўрнинг қўлини ҳолатла-
рини расмда тасвирларди. Альбомнинг оран-
га аялайлаб қўйиб, омади тайинларди.
— Ўзимнинг аялжонимдан ўргилди, шу
омонатини Темир акамга бериб қўйсани.
Мен нима ҳам дея олардим. Ҳар бир саргу-

— 3 —
зашт бўлиб ўтгани сайин орамиздаги масофа
тобора узоқлашиб бораётганди ҳис этардим.
Аниқсиз, болали дёлга совчи юборганимни
бўлаб ҳажж қилибди. Ёшгина гўдак кўёв тў-
ра билан келишни никоҳ билан табриклаб,
«Қўша қаринглар» деб фотиҳа бермоқда.
Қани энди булардан бирортасини уйдга-
ларга кўрсата олам. Ҳеч қан бўлмаганди су-
кут сарқайман, холос. Ўзини кўрганимда бир
узб олмоқчи бўламан-у, тағин юрагим бетла-
милар. Устига-устак, боғи навозишларини
каранг. Астойдил менга ачинганидан нашта-
рча сийлапти. Ахир, айташдию, дўст ачитиб га-
пирар деб. Демак, қўлида менга нисбатан
сира ҳам ғараз йўқ.
Уч-тўрт кун алғов-далғов фикрлар оғушида
юрдим. Ётсам ҳам, турсам ҳам, юрсам ҳам,
хатто тушларимда ҳам Гўзалнинг ҳаёли. Од-
диган оқдан сувнинг қадри йўқ дейишарди.
Бекор гап. Шундай қадри ўятитки, асти қўя-
верасиз...
Шу орада бир кун кечқурун «онлави»
мажлисга тўпланимди. Қавм-қариндошлар жа-
мал-жам. Ҳаммадиларнинг авзойи бузук. Отам
томоқ қириб қўйди. Акам елкамдан ушлаб гап
бошлади:
— Шунча ўзингга қўйиб бердик. Етар эн-
ди. Бизни иснодларга қолдириб, адоий тамом
қилдинг.

— 4 —
— Йўқ, ундай дема, акаси. Балки юрагида
яна армон бордир. Айтаб қолсин. — Пичинг
қилди отам.
— Бор, — дедим эшитилар-эшитилмас.
— Яна-я! — Овози хуноқ чиқди акамнинг.
— Бекорларин айтибсиз.
— Қўй қизишма, ўғлим, — босиб сўзлади
отам. — Буни, ахир, умр савдоси дейдилар.
Турмуш қувратдан ҳам — у.
— Хўп эшитилдикин, — деди акам гапини
қўйиб.
— Рашид акамнинг қизи... Ўша қанақайкин?
— Боринсан, ўғлим! — Отамнинг кўзлари
чақнаб кетди. — Ҳой, онаси. эрталаб қўз-
ликча чиқасизлар. Тағин бунинг ўзинга қўйиб
берасак, яна биор ишқил чиқариши мумкин.
Тавба. Ил ўз-ўзидан юриша қолди. Тўшун-
ган одамларнинг садағаси кетсанг азийди!
Гўзалнинг ота-ониси совчиларга: «Биз хона-
донингизни, Темиржонини яхши биламиз. Сў-
раб-суриштиришнинг ҳожати йўқ. Фақат би-
нозик жаҳат бор. У ҳам бўлса, ўғлингиз қи-
зимиз билан ураришиб, унинг кўнглини топ-
син. қизимиз рози бўлса, биз ҳам рози-да»
дейишди. Бир-икки кун теримга сиғмай юр-
дим. Аммо ураришнинг ўйлаганим сари юрагим
орқама тортарди. Ахир, шунча муваффақият-
сизликлардан кейин зада бўлиб қолгандинда.
Ўзим, қўриб турганимиздек, унчама гапдон,
маҳмадона эмасман.

— 5 —
Қандай мавзуларда суҳбатлашиб йўллари-
ни ўзимча режалаштирдим. Ахир, у — рассом.
Санъатшуносликдан менинг ҳам унча-мунча
хабарим бор. Мусаввирлар ажойиб қалбни ки-
шлар. Утган асрада яшаган буюк рус рассо-
мининг ҳаёти бунга ёрқин мисолдир. У кибор-
лар даврасига мансуб соҳибкамолни севиб
қолди. Аммо қандай қилиб дил розини изҳор
этиши мумкин? Балда рақсга тақдир этай де-
са, ўзи бу борада ғирот оми. Не-не машаққат-
лар билан рақс муҳаббатини ўрганди. Афсус,
мени афсуски, бу орада унинг эс-қўшимни
ўғирлаган жон офати ўзганинг маҳбубаси эди.
Бошқа бир рассом эса бепоев ўрмон чекка-
сида макон қўриб, ижод билан шуғулланган.
Тақдирдан қочиб бўлмас экан. Бўйи етган дўн-
дақ ойникиз иттиғиго ёмғирда иниб, рассом-
дан ытифот кўрсатилиши сўрайди. Турмуш
ташвишларидан воз кечиб, ўзини санъатга ба-
ғишлашга аҳд қилган мусаввир унга ўз хона-
сини бўшатиб беради-да, кийим-бошларини бе-
малол қўришти олишни тайинлаб ўзи бошқа
хонага чўкиб кетади.
Эрта билан туриб, меҳмондан хабар олгани
кирса... усти хил очилиб қолган уйдagi
малликга кўзи тушади. Ажойиб бир илҳом
жўшиб, париваш сийқимини қорғозга туширишга
ошиққади. Ноёб санъат асари нисҳосига етмай
туриб, ойимқиз чўчиб уйғонади. Рассом жо-

— 6 —
дининг гултожи бўлишга лойиқ асар чала қо-
лади. Қизнинг ишқи асир этдимин, ё асар се-
ҳри ром этдимин — балки ҳар иккови қўшилиб,
санъаткор оромини ўйрилади... Тақдир уларни
қовуштирди. Аммо асар ҳамон чалалиғида
ётарди. Унинг сўнгги бўёқлари тасвири ора-
дан йигирма беш йил ўтгандан кейингига жи-
лоланди.
Санъаткор халқи ана шунақа, сабр-бардош-
ли, метин иродати бўлади. Агар чиндан ҳам
Гўзалнинг кўнгли менда бўлса, саргузаштла-
рини билан боғлиқ нохушлиқларини кечирарди.
Ахир, бу машмашалар менинг ихтиёримсиз
бўлати-ку. Борди-ю, кўнмасачи? Унда нима
деган одам бўламан? Ота-онанинг муомала-
сига қараганда қизнинг кўнгли борга ўхшайди.
Бўлмаса, ўзи шунчалар самимий қўришарми-
ди. Уятдан қўлоқларига қизибди, оёқлари
чалишгани-чи? Бир ўт унинг қалбини ўртай-
ткин, буни яширишга оғизлик қилипти.
Гўзал билан рассомларнинг кўргазма зали-
да «тасодифан» учрашиб қолдик. Ўзбекистон
мусаввирларининг асарлари қатори ёшлар
ижодидан ҳам намуналар қўйилган экан. Ҳу-
ди ўзингга ўхшаган йигитга кўзим тушиб, қол-
ди экдим. Тағида «Инженер» Гўзал Мир-
заева эсимиз, деган давда ёзилди.
— Санъатга илк ҳавас уйғотган устозим —
— ўзингиз, — изоҳ берди Гўзал ўша ёшчилида
мен туғфа қилган расмини эслатиб. — Сизни

— 7 —
ўз билгимча шундай тасвирлашга журъат эт-
дим.
Бошқа сўзларни айтиш ортқица, суҳбиз ҳам
хаммаси тушунарди. Орадани сукуватини бу-
зишга иккимиз ҳам оқинимиз. Кўргазмадан
чиқимиз билан дарслари кўпчилиги баҳона
қилиб, жуфтқани ростламоқчи бўлганди, уна-
мадик.
Енна-ён Спорт саройи томон юриб кетдик.
Туюв кўни уйимиздан борибганини, қандай
жавоб берилганини эслатиб, унинг фикрини
сўрадим.
— Айтишганди, — бошини эгиб баъзур жавоб
қилди Гўзал.
— Шунга нима дейсиз?
— Мени?
— Ҳа, албатта. Сиз?
— Ўзингиз нима дейсиз?
— Мен... Мен нима дердим? — бутун вужу-
димни титроқ босди. — Менга... менга қолса
«йўқ» демасангиз бўларди.
Уйдагилар ҳам шундай дейишпти.
Дополитини кўрсатмоқчи бўлдим шекилли,
ўзимни тилмадим:
— Катталарнинг гапини иккита қилмаслик
керак.
— Сизга ўхшабми?

— 8 —
— ...
Қизнинг чимирлиги турган ниҳонига бардош
беролмадик. Бир илжонин қилмасам, яна қў-
лимни бурнимга тиқиб қолавершим аниқликни
ни сезиб турардим. Лекин қани ўша илжон?
Вазиятни Гўзалнинг ўзи бартараф этди.
— Аяжонимиз, яъни Сизнинг орангизга
рахшим келади. Бечора, сизнинг дангигада
жула қўлаб қолганлар. Қўш ёшлар юра-
гини ўртайлаб юборди. Шу муштарин онанинг
ҳақиқи рози бўлган келади.
— Раҳмат, Гўзалхон, — дедим холос
энтикиб.
— Шошманг, — кўрсатич бармоғи билан
беозор таҳдид қилди у. — Аммо менинг ўзим
ҳам қалбига қўлоқ солишим керакми?
— Албатта, — қувватладим уни бўшашиб.
Сўнгра умидсиз бир оҳангда сўрадим:
— Қалб... Қалбингиз нима деркин?
Гўзал жиддий сивовчан тикилиб турди-да:
— Қалбим... Қалбим фақат сизни дейди...
Наҳот шу дамбага бунини сезмаган бўлсангиз?
Бундай пайтда ҳар қандай сўз ортқица. Ик-
кала қўлидан маҳкам ушладим-да, бағримга
босдим...
Абдукарим НАБИХЎЖАЕВ.

Б. АБЪАН ижодкорда шундай ҳолат бўладики,
бир нарсадан қаттиқ таъсирланиб узоқ вақт
шунинг оғушида юради. Пировард унинг ҳумо-
ридан чиққанидан бирдан-бир йўли — қўлга қа-
лам олишарди. Унинг юрак «ҳоври» ана шундан
кейингига сал босилган бўлади.
Мен ҳам меҳмоннавоз Ўзбекистондан олган
таассуротларим билан анча вақт таъсирланиб,
таъсир-билишларимга, ижодкор дўстларимга сўз-
лаб бериб юрдим. Ва, ниҳоят қўлимга қалам
олдим-да, юрагимдаги айтмоқчи бўлган бор га-
пини бирон матбуот органи орқали қардош
ўзбек халқига етказишга аҳд қилдим.
«Тарона» сўзининг луғавий маъносини ҳиндий тили-
да кўй, оҳанг, қўшиқ демакдир. Айни пайтда
ўзбек тилида ҳам худди шу маънунини англатган
шунинг учун, хатим сарлавҳасини ушбу ном билан
атадим.
Ўқувчилар, нокамтарроқ одамнинг гапини қи-
лаётган бўлсам ҳам, камининг ушбу хатини ўз
шаънларига айтилган кичик бир қўшиқ ўрнида
қабул этсалар, бошим осмонга етган бўларди.
Шундай қилиб, биз, бир гуруҳ ёзувчилар ҳар
бир ҳиндистонликнинг юрагига яқин ва кўриш
орзуни бўлиб қолган Тошкентга — наватбадги
анъанавий Ўзбекистон анжуманига ошқирардик.
Тошкент аэропортида меҳмонларни қарнай-
сурнай, чилдирлар остида шод-хушрамлиқ бил-
лан кутиб олинаётганлиги, ёш пионерларнинг
гулгун ёниб турган чехралари, дўст-ёрларнинг
қуноқ очиб келишларининг ўзи ҳар қандай одам
қалбига ҳам бир олам шавқ-заъқ бахш этарди.
Бизнинг делегацияни кутушга чиққан меҳмон-
лар орасида ширва ва ажойиб инсон сифатида
бизнинг Ҳиндистонда машҳур, ўз ижоди билан
доим мени мафтун этиб келадиган Зулфияхо-
ним ҳам бор эди. У кишини кўрдим-у, худди бе-
гона юрда яқин кишинини учратиб қолган одам-
дай севишиб кетдим. Фақат менгиза эмас, деле-
гациямиз составидagi ҳар бир киши билан Зул-
фияхонимнинг кўлдан бўён дўстлиги, танишлиги,
қадрдонлиги бор эди. Биз у киши билан қизгин
сўраш кетдик...

• Ҳиндистондан хат

Ғулом Раббоний ТОБОН,

шоир, Бутунхиндистон Адабиёт академияси
мукофотининг лауреати, Ҳинд тараққиқпарвар
Ёзувчилар уюшмаси президиумининг раиси.

ТАРОНА

Биз «қў одамимизни», Алишер Навоий номи-
даги театрининг мухташам биносига, конферен-
циянинг тантанали очилиш маросимини олди-
дан толиб олдим. У ёш неча китоблар муаллифи,
ҳиндий тилини ўзимиз қаторига библиографини
эшитгандик. Лекин учрашга, бунга ана бир қар-
ра ишонч ҳосил қилдик. Унинг кўриниши ҳам,
гап-сўзи ҳам «қўзимизнинг» одам эди. Аслида
эса ўзбек фарзанди, шу юрдада туғилиб ўсган ўз-
бек ёзувчиси эди.
Биз Д. Нурий билан конференциянинг сўнгги
кўнларига бира бўлидик. Йигилиш ва қабул ма-
росимларидан бўш вақтларимизда машҳур адаб,
совет ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик иши-
га қўшган улкан ҳиссаси учун Халқаро Неру му-
кофотининг лауреати бўлган Бҳишам Саҳни, ул-
кан романавис Картар Синг Дуггал, адаб ва
ношир Ражендра Авасти ҳаммаиш унинг маҳи-
насига ўтириб олиб, шаҳар айланардик, китоб
дўконларида бўлиб, ҳинд ёзувчиларининг асар-
ларини ўзбек китобхоналари қанчалар қизиқиб
билан ҳарид қилиб олаётганларини кўриб қувон-
ча тўлардик. Бҳишам Саҳнининг янги чоп
этилган «Даричалари» ҳикоялар тўплами,
«Басантини» романининг зарварларига муаллиф-
нинг ўзидан дастхат ёздириб олиш ҳар бир тош-
кентлик китобхон учунгина эмас, бизлар учун
ҳам унутилмас эсдалик эди. Бу хил ажойиб қи-
тирлар шунчалик қўпки, қай бирини ҳикоя қи-
либ беришга ҳам шошиб қолсан киши... Хатто
оплоқ соқол, кўркам саллали Дуггал ҳаммалари
«Тошкент кўчаларида машина ҳайдаб юрган-
ман» деган ном чиқариш учун машина рулга
ўтириб, қондани бузгани, оқибат йил назорати
инспектори жонажонлардан ҳайдов гувоҳномасига
бита «эсдалик» олиб кетишига оқ қолгани ҳам
заълиб бир хотирот бўлиб эсимизда сақланиб
қолган...
Тошкентда менинг дўстларим анчагина. Қўрбон
Тулағанов, Наби Мухаммадов, ҳамюртим Манзар
Салим — булар турли соҳаларда Ҳинд — Совет
дўстлигининг жонқуялари!
Бу ажойиб қардошлик шаҳрида ана бир ажой-
иб таниш ортқидим: мени «Тошкент оқимини»
газетаси редакциясига, шу матбуот органининг
меҳмони сифатида тақдир этишди...
ЁЗУВЧИЛАР анжумани ташкилотчилари меҳ-
монларга қим қайсига боришни хоҳласа, ўша
маршрутини талласин дема маслаҳат солишди. Биз
ҳинд ёзувчилари делегацияси ўзбеклар учун ҳам,
биз учун ҳам ардоқли Бобур юрти — Фарғона
водийсига бориш истагини кичилдик. Чунки
Бобур асос солган Бобурийлар сулоласи мада-
нийтимиз ва санъатимиз раънақи учун қатта ҳис-
са қўшганлиги ҳаммага яхши маълум. Шу сабаб-
ли Буюк Ҳиндистон учун Буюк Инсонини етказиб
берган юрт — Водийни эиэрат қилиш биз учун
қатта шароф эди.
Машҳур «Бобурнома»да Фарғона водийсининг
тўқин-сочин бог-роғлари, зумрад далалари меҳр
муҳаббат билан таъриф этилганлигини кўпчили-
гимиз ўқиганимиз... Лекин водийнинг шу кўнлар-
даги қиёфасини кўриб, лол қолдик. Унинг тас-
вирига қаламимиз оқиз.
Фарғонанинг қай гўшасига бормайлик, бизни
қутлаш учун йўл бўйларига чиққан минглаб йи-
гит-қизлар, нуруний қариялар кўзларидида меҳр-
оташин қўриб, юракларимиз заъққа тўлди. Мева-
лари шарбатига бурканиб ётган боғларни айланиб
табиат саховатига, шу ўлкада яшовчи қўли гул
кишилларнинг меҳнатига тасаннолар ўқидик. Бу
ерде етиштирилиб, одамлар дастурхонини безай.

диган сон-саноқсиз мевалар турини санаб ўтир-
май. Узумнинг ўзидан бир неча ўн нави ўсти-
рилишининг ўзи ҳақиқий Олтин дўстидеялиги-
нинг гувоҳи эмасми?
Ҳамма ерда одам гажум. Чойхоналар, гузар-
ларда тўқин-сочинлик.
Кўчаларда сипо ва бежирим кийинган кишилар.
Уларнинг чехраларида кўтаринкилик... Юрагиди
озгина бўлса ҳам шoirлик ҳисси бор ҳар қан-
дай ҳаммақамига Марғилон кўчалари бўйлаб
кечишни, унинг лал-лаъл ёниб товланувчи атлас
кўйлақли қизларига биттадан ғазал бағишлашни
маслаҳат берардим...
Мағзинлар озиқ-овиқатга тўла. Бозор пешта-
халарида юзлаб тур мевалар уюлиб ётибди. Бир-
ончор кишини кўрайсиз.
М. ЕН қашшоқлик, очлик ниҳиллигини яхши би-
лаган, мамлакат фукорасимин. Жаҳоннинг аҳоли-
лар ҳил ҳил даражадаги қўлаб мамлакатларида
бўлгандин. Тараққийот поғонасининг энг юқори чўқ-
қисига чиққан «тўки» давлатларининг Гўзал, серха-
шам шаҳарлари бўйлаб кезганман. Аммо шунинг
аниқ айти оламанин, ҳеч қайси юрда бунчалик
тўқинчилигини, одамлардаги маънавий етуклигини
кўрмаганман.
Безан, айрим фарб мамлакатлари матбуотидан
тарқалиб бизга етиб келадиган «совет халқла-
ри» турмуш даражаси анча пастлиги, «социали-
стик жамиятдаги оғир иқтисодий аҳоли ҳақидаги
хабарларни ўқиб, эшитиб қоламиз. Ушандай йи-
дирмалар билан оқ қозғонни қораловчи қалам
«аҳли» ҳеч бўлмаса Ўзбекистон шаҳарларида
бирон марта бўлиб, бу ердаги ҳаётни ўз кўзи
билан кўрганида эди, шундай фарзғўйликдан
воз кечган бўлармиди... Фарғонадаги қатта дав-
лат ҳужайкаларидан бирининг чекисиз анорзори
бўйлаб кезиб юрбаман, мана шу хил ўйлар
менга тинчлик бермасди...
Ҳамроҳим Д. Нурий Фарғонага жўнашимиздан
олдин машҳур ўзбек шоири Ҳамид Олимжон-
нинг «Бахтар водийси» деган шеърини ҳиндий
чага ўғириб ўқиб бериб, шу йўл билан Водий
таърифида бизга дастлабки маълумотни берган-
ди. Мен ҳам Бобур юрти — ҳақиқий Бахтар
водийси Фарғонадан бир олам қувонч билан
қайтар эканман, унга ғазал бағишлагим келди.
Мен фарғоналиклар билан уларнинг Гўзал юр-
тига бағишланган ғазалга қарздорман.
КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ кўнлик тартиби бўйича,
турли секциялар йигилишда катнашиб бўл-
гач, шаҳар билан танишмиш давом этардик.
Фирқимиз, Тошкент метроси мен кўрган дунё-
даги метроларнинг энг бежирим, чиройлиси бўл-
са керак. Унинг ҳар бир бекатини тенги кўк
қаср билан таққосласа арзийди.
Метро қурилиши билан шаҳар қурилиши ҳам
кең қўлама давом этирилмоқда. Шундай экан,
иккинчи жаҳон урушининг жафосини тортган бу
мамлакатда ўз меҳнати ва пешона тери билан
берпо этилаётган мана шу бунёдкорлик ишлари-
ни ёвуз уруш алагаси билан яқсон бўлишини
ҳеч қачон, ҳеч ким хоҳламайди.
Биз ҳамма жойда — Москвада, Тошкентда,
Фарғонада совет кишилари халқлар ўртасида
дўстлик, бутун жаҳонга тинчлик деган шир билан
яшаб, меҳнат қилаётганлиқларининг гувоҳи бўл-
дик.
Дарвоқе, ҳозирги пайтда Совет ҳукумати дунё-
да тинчликни сақлаб қолиш, бутун инсоният бо-
шига тузашиб бўлмас ҳалокат келтиривчи ядро
урушининг олдини олиш борасида курашининг
энг олдинги сафарларида бораётган экан, унинг
бу қилонга ташаббусини қўллаб-қувватлаётган ки-
шилар сонини кундан-кунга ортмоқда.
Тинчлик учун кураш ҳозирги даврининг кечик-
тириб бўлмайдиган энг долзарб масалаларидан
биридир.
Тошкентда қарийб ўн кун давом этган Осие ва
Африка ёзувчиларининг анжуманида худди шу
актуал масала —ёзувчининг ўз халқи олдидаги
гражданлик бурчи, жаҳон тақдирини олдидаги
зиммаларига масалалари қўйилди. Бу ўн кун ҳар
бир ижод аҳлининг юрагидида унутилмас таассу-
ротлар қолдирди.
Хайрлашув олдида Тошкент аэропорти манза-
раси халқ ҳам кўз олдида гадаланиб турибди.
Уйини-қўли, музаиларининг савдоси бутун борлик
ни тўтиб кетган. Шод-хушрамлиқ билан бағри
кеч Тошкент дунёнинг турли қитъаларидан кел-
ган аъжубаман иштирокчиларини кузатмоқда.
Ўзбекистон Ўзбекистон союзи правлениесининг
биринчи секретари таниқли адиб, драматург ҳам-
да мамоат арбоби Сарвар Азимов ҳамма билан
шарқона урф-одатга кўра биродарларча қуноқ-
лашиб хайрлашмоқда.
Самолёт осмонга қўтарилиб, меҳмондўст Ўзе-
кистон замини —қадрдон дўстлар оғушидан узоқ-
лаша бошладик. Шунда мен Ҳиндистоннинг бую-
к шоири «Глобини» ким десангиз: самарқандлик
деҳқон қарогиданман! дега гуру билан ғазаллар
битган Мирза Асадуллохон Ғолибининг икки банд
шеърини унинг ҳамморти — сизларга қарата ба-
релла айтгим келди:
Яшаб умрингизнинг икки ёшга тўлсин,
Ҳар йилки, эллик минг кунга тенг бўлсин!
Суннатулла КАРИМОВ таржимаси.
(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 23 март,
1984 йил).

БИЛДИРИШ

Лекция пропаганда-
лаш методикаси факул-
тада пропагандининг тех-
ника воситаларини қўл-
қатиға.

27 март соат 17.00 да
лекторлар уйда (Ўзе-
кистон ССР 50 йилги
проспекти, 13-уй) про-
пагандининг техника воси-
тиға.

ЎЗГИ ФОРМАГА

Гарнизон бошлигининг
буйруғига бинаван Тош-
кент гарнизонини қўши-
лари бунт шахсий сос-
тави 1984 йилнинг 1 а-
прелдан бошлаб ёзги
формасига ўтади.

Абдукарим НАБИХЎЖАЕВ — ёзувчи,
публицист, кўпгина ҳикоя ва очерклар му-
аллифи. У ўзбек матбуотида кўриқ мавзунга
биринчилардан бўлиб қўз урган. СССР
Журналистлар союзи мукофотининг лауреа-
ти.

Редактор Ш.О.БАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ
БЕТОҚШОМ

26 МАРТ, 1984 й.

НАВОНИИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРИДА

АПРЕЛЬ ОИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН
СПЕКТАКЛЛАРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

- | | |
|--|--|
| 1 да — ГҲЗАЛ ВАСИЛИ.
СА (12.00), МАНГУЛИК
(19.30). | 17 да — ТОҲИР ВА ЗУҲ.
РА. |
| 4 да — БИР АКТИ БА-
ЛЕТЛАР КЕЧАСИ. | 18 да — СЕВГИ ҲАҚИДА
АФСОҢА. |
| 5 да — ПИКОВАЯ ДАМА. | 19 да — ПЕТР БИРИНЧИ. |
| 6 да — ОҚУШ КҮЛИ. | 20 да — ЖИЗЕЛЬ. |
| 7 да — ҚАҲМАН. | 21 да — ФЛОРИЯ ТОС. |
| 8 да — ОЛОВИДЛИН-
НИНГ СЕҲРИ ШАМЧИ.
РОҒИ (12.00). | 22 да — ФИРИБГАРНИНГ
НАЙРАҒЛАРИ (12.00). |
| 10 да — БҲРОН. | 24 да — ФАУСТ. |
| 11 да — ШЕКСПИР
АСАРЛАРИ БҲНИЧА БА-
ЛЕТ ТРИПТИХИ. | 25 да — СПАРТАК. |
| 12 да — ДОН КАРЛОС. | 26 да — ДИЛОРОМ. |
| 13 да — ДУНЕНИНГ
ЯРАТИЛИШИ. | 27 да — АННА КАРЕНИ-
НА. |
| 14 да — КИЯЗЬ ИГОРЬ. | 28 да — РИГОЛЕТТО. |
| 15 да — ЗОЛУШКА
(12.00), ИОЛАНТА (19.30). | 29 да — ГҲЗАЛ ВАСИЛИ.
СА (12.00), СЕВИЛЬЯ САР-
ТАРОШИ (19.30). |

Билетлар сотилмоқда.



САЛОМАТ БҲЛАЙ ДЕСАНГИЗ — ЧЕКМАНГ



Сигарета тутуни — мустақиллик ва улгайишнинг ёлғон
рамзи минглаб йилларни ўзига жалб этади. Аммо, тамаки чекиш
айниқса ёшлик йилларида саломатлигининг хавфли душмани-
дир. Биз катталар бозаларимиз чекишни одат қилишга интила-
ётган хатарли оғу учун жавобгармиз.

УМУМАН ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ МУМКИНИМИ?

Ҳа, албатта. Бироқ ўзингиз бу зарарли одатдан қутулишни
истамас экансиз, ҳеч қандай даволаш воситаси сизга ёрдам
бермайди. Ҳар бир киши чекишни ташлаши мумкин. Фақат
истак бўлса бас. Аввало, сизга чеккингиз келатгандек туюла-
ётган ҳар бир ҳолда ҳам сигарета чекаверманг. Ўз кунлик
«норманингизни» учдан бир қисмгача қамайтириг. Кейин ярми-
гача қамайтириг.

Сигаретани энг сўнгигача чекмасликка интилинг.

Улғу физиолог академик И. П. Павловдан, у шундай кекса-
лик ёшида ҳам бадини, аниқ хотираси, қайноқ фаолияти ва
ҳаётий қувноқлигини қандай сақлаб қолганлигини сўраганида:
«Шароб ичманг, юракни тамаки билан заҳарламаг — шунда
сиз Тициан қанча умр кўрган бўлса, шунча яшасиз», деб
жавоб қилган. Улғу италиялик мўйқалам соҳиб даярли 100
йил яшаган Сиз ҳам ундан ҳам бўлаган даражада умр кўри-
шингиз мумкин, аммо бунинг учун чекишни ташлаш лозим!

СИЗ, ҲАВАСКОР БОҒБОНЛАР УЧУН!

26 МАРТДАН 5 АПРЕЛГАЧА

БОҒ-ПОЛИЗКОРЛИК ЖИҲОЗЛАРИ, МИНЕРАЛ
ЎҒИТЛАР ВА ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАР

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТҚАЗИЛАДИ

Навоий кўчасидаги («Дўстлик» меҳмонхонаси рўбарўсида)
шаҳар ярмаркасида жойлашган.

«ТАШХОЗОТТОР»НИНГ 30-«ҲАММАСИ БОҒ ВА ПОЛИЗ.
КОРЛИК УЧУН» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИ-
НИГА

САВДО-КЎРГАЗМАГА ТАҚЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Саудо-кўргазмаси иш кунларида сиз минерал ўғитларни
ишлатиш, ўсимликларни зараркундалардан ҳимоя қилиш
ҳамда дарахтлар ва сабзавот экинлари, буталар ва гулларни
парварिश қилиш бўйича малакали мутахассисдан консултация
олишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)



СИЗГА ОМАД

ЁР БҲЛСИН

ҲАР ШАНБА КУНИ «СПОРТЛОТО» ТИРАЖИНИНГ ЎН
МИНГЛАБ ИШТИРОКЧИЛАРИ 3 СҲМДАН 10.000 СҲМГА-
ЧА БҲЛГАН ТҲРЛИ ЮТУҚЛАРНИНГ ЭҒАСИ БҲЛАДИ-
ЛАР. «СПОРТЛОТО» БИЛЕТЛАРИНИ СОТИШДАН ТУШ-
ГАН МАБЛАҒНИНГ ЯРМИ ЛОТЕРЕЯНИНГ ЮТУҚ ФОНДИ-
ГА АЖРАТИЛАДИ.

Ҳар бир тиражда бу маблаглар ушбу тираж ютуқ фондиди
ташкил этади. Маблагнинг иккинчи ярми эса лотереяни ўтқа-
зиш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда физкультура ва
спортни ривожлантиришга сарфланади. Янги стадионлар, спорт,
заллари, бассейнлар, дмак янги рекордлар, миллионлаб киши-
лар саломатлиги — ушбу оммавий лотерея барча қатнашчилари-
нинг асосий ютуғи шундай.

Республикаимизда 1983 йилда «Спортлото» ва «Спринт» иш-
қибозларига 206.988 ютуқли билетларга ҳақ тўланди. Афсуски,
этиборсизлик оқибатида қўпал кишилар ўзларини ютуқга
бўлган ҳуқуқдан маҳрум этишди. Ўтган йили «Спортлото» бил-
етлари «БВ» қисмининг кечиканларидан 24000 донадан зиё-
ди қайд этилди.

ЭЪТИВОРЛИ БҲЛИНГ, БҲЛАЕТГАН ТИРАЖ УЧУН
«СПОРТЛОТО» БИЛЕТЛАРИ «БВ» ҚИСМЛАРИНИ ЎЗ ВАҚ-
ТИДА ЖҲНАТИНГ!

ЭСЛАТИВ ЎТАМИЗКИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БИЛЕТ-
ЛАРНИ ЯШЧИКЛАРДАН ОЛИШ МУДДАТЛАРИ ЎЗГАРТИ-
РИЛГАН. БҲНДАН БҲЕН УЛАРНИ ОЛИШ СҲНГГИ МУД-
ДАТИ ПАЙШАНБА КУНИ СОАТ 12 ГАЧА. «СПОРТЛОТО»
РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИДА ЖОЙЛАШГАН НАВБАТ-
ЧИ ЯШЧИК ЖҲМА КУНИ СОАТ 16.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

СИЗГА ОМАД ЕР БҲЛСИН!

«СПОРТЛОТО» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШҚАР-
МАСИ.



ДУШАНБА

26 МАРТ

● МТ I

- 18.20 «Онамларнинг мактаби».
- 18.50 «Ишчилар ва одамлар» «Те-
жамкорлик резервлари».
- 19.15 «Дунё воқеалари».
- 19.30 Фигуралӣ учин буйича жа-
хон чемпионати. Кўргазма-
ли кишилар. Канададан
олиб кўрсатилади.
- 21.30 «Время».
- 22.05 «Олам кинокамера кўзгу-
сида».
- 23.10 «Дунё воқеалари».
- 23.25 «Футбол шарҳи».
- УЗТВ I
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.15 Мактаб ўқувчилари учун.
«Бакор ҳақлари» (рус.).
- 18.45 «Советский воин». Тележур-
нал (рус.).
- 19.30 «Ахборот» (рус.).
- 19.45 «Ижод саҳифалари». Берди
Керобоев. Ёзувчи турган
куннинг 90 йиллигига.
- 20.30 «Ахборот».
- 20.50 Ўзбекистон телевидениеси
ва радиоси халқ чогу ор-
кестрининг концерти.
- 21.30 Москва. «Время».
- 22.05 «Бугун оламда нима гап?»
Халқаро аҳвол кундалиги.
- 22.20 «Театр ва замона». Халқаро
Театр кунига бағишланади.
- 23.40 Янгилликлар.
- УЗТВ II
- 17.55 Кўрсатувлар программаси.
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 «Қизилқўш математика».
- 18.40 «Мен тўқувчи бўламан»
(рус.).
- 19.10 Врач маслаҳати.

- 19.30 «Ахборот» (рус.).
- 19.45 «Самардорлик, сифат ва
тежамкорлик» (рус.).
- 20.15 «Машаққатли километрлар».
- Телефильм.
- 20.30 «Ахборот».
- 20.50 Классик куй саҳифалари.
- 21.30 МТ II

сешанба

27 МАРТ

● МТ I

- 9.00 «Время».
- 9.40 «Ритми детства» ансамбли-
нинг концерти.
- 10.10 Мультифильмлар.
- 10.40 «Катта шаҳар саломатли-
ги». Илмий-оммабош фильм.
- 11.10 «Уч шапалоқ». Болалар учун
телевизион бадий фильм
премьераси.
- 12.15 Қадимий романслар ва
вальслар. Фильм-концерт.
- 12.55 Янгилликлар.
- 15.00 Янгилликлар.
- 15.20 «Кундалик ва хотира». Те-
лефильм премьераси.
- 15.55 «Весна» ашула ва ракс ан-
самблининг концерти.
- 16.15 «Сеннинг ленинка кутубхо-
на» В. И. Ленин. «Мусо-
бақани қандай ташкил этиш
керак?».
- 16.45 «Капитан қизин». Бадий
фильм.
- 18.25 «Котилликка лицензия». Те-
лефильм премьераси. Автор
— Ф. Сейфул-Мулюков.
- 19.15 «Дунё воқеалари».
- 19.30 «Фан ва турмуш».
- 20.00 Ф. Шопен. «Соль минор
балладаси». Данг Тхай Шон
ижро этади (Вьетнам).
- 20.20 «Кумиллардаги узунден-
узук йўли». Телевизион бадий
фильм. 5-серия.
- 21.30 «Время».
- 22.05 «Халқаро Театр кунин».
- 23.10 «Дунё воқеалари».
- 23.25 Н. Осипов номли Давлат
академик рус халқ оркест-
рининг концерти.
- УЗТВ I
- 11.00 «Ахборот».
- 11.20 Мультифильм.
- 11.30 Болалар учун. «Бойчечак»
(тажикӣ).

meamp

НАВОНИИ НОМЛИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 26/III да Дон
Кихот (17.00), 27/III да Дон
Кихот (12.00), Иоланта (17.00),
28/III да Фирибгарнинг най-
рағлари (12.00), Оқуш кўли
(17.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА — 26/III да Ке-
лилар кўзғолони (19.30),
27/III да Ариасига кўра
(12.00), Рўе (19.30), 28/III да
Ариасига кўра (12.00), Келин-
лар кўзғолони (19.30).

МУҚИМИИ НОМЛИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТ-
РИДА — 26/III да Занжир,
28/III да Тошбола ошиқ.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИР-
КИДА — Мактаб ўқувчилари-
нинг баҳорги каникул кўчалари-
да совет цирки усталари ишти-
рокда катта цирк программаси
(12.15 ва 18.00)

кино

26 МАРТДА

БАДИИИ ФИЛЬМЛАР:

«ФИРТ ЕЛҒОНЧИ» — Санъ-
ат саройи (катта зал, 18.20,
20.30; кичик зал, 17, 19.45;
телефон 44-21-74). Тошкент
Советининг 50 йиллиги номли
(18.21.00; телефон 78-47-25).
«КОРАШАҚАКЛАР СИ-
РИ» — Ватан (тоқ соатларда),
Москва (тоқ соатларда), теле-
фон 33-05-01). Восток (жуфт
соатларда, телефон 91-14-61).
«КНЯГИНЯ ОЛЬГА ҲАҚИ-
ДА АФСОҢА» — Нукус
(18.30, 21.00; телефон 46-70-
69), Дружба (17.15, 20.00;
телефон 66-15-75).
«ОРТИНГА БОҚ» — Чайка
(жуфт соатларда, телефон
77-06-20).
«МЕН СЕНИ ҲЕЧ ҚАЧОН
УНУТМАЙМАН» — ВЛКСМ
30 йиллиги номли (телефон
33-44-52), Ўзбекистон ССР 25
йиллиги номли (тоқ соатларда,
телефон 53-65-87), Лисунов
номли (тоқ соатларда, телефон
96-34-02), Искра (жуфт соат-
ларда, телефон 39-14-59),
М. Шайхонда номли (тоқ
соатларда, телефон 42-39-74).
«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ»
— Дружба (19, 21.00; телефон
66-15-75).
«ЛЮТАРГИЯ» — Фестиваль
(тоқ соатларда, телефон 32-78-
02).

«ТАВИЗ ШОГИРДИ» —
К. Ерматов номли (жуфт ва
тоқ соатларда, телефон 24-22-
66).

27 МАРТДА

БАДИИИ ФИЛЬМЛАР:

«ФИРТ ЕЛҒОНЧИ» — Санъ-
ат саройи (катта зал, 11, 13.30,
16, 18.20, 20.30; кичик зал,
12, 14.30, 17, 19.45; телефон
44-21-74). Тошкент Советининг
50 йиллиги номли (12, 15, 18,
21.00; телефон 78-47-25).

«КОРАШАҚАКЛАР СИ-
РИ» — Ватан (тоқ соатларда),
Москва (тоқ соатларда), теле-
фон 33-05-01). Восток (жуфт
соатларда, телефон 91-14-61).

«КНЯГИНЯ ОЛЬГА ҲАҚИ-
ДА АФСОҢА» — Нукус
(11, 13.30, 16, 18.30, 21.00;
телефон 46-70-69), Дружба
(14, 17.15, 20.00; телефон
66-15-75).

«ОРТИНГА БОҚ» — Чайка
(жуфт соатларда, телефон
77-06-20).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

4—8 АПРЕЛЬ КҲНЛАРИ
КОҲЬКИДА ФИГУРАЛИ УЧИШ БҲНИЧА
СССР ЧЕМПИОНАТИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЭНГ КҲЧЛИ ФИГУРАЧИЛА-
РИ, ЕВРОПА, ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИ, ОЛИМПИАДА
ЎЙИНАРИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНОРЛАРИ
ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.

4 АПРЕЛЬ
соат 8.00 дан 15.30 гача
ЭРКАКЛАР — ЕЛҒИЗ УЧИШ МАЖБҲРИИ ФИГУРА-
ЛАР.

СПОРТ РАҚСЛАРИ, МАЖБҲУРИ РАҚСЛАР.
соат 19.30 да
МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ОЧИЛИШИ. ҚАТНАШЧИЛАР
ПАРАДИ.

ЖУФТ БҲЛИВ УЧИШ ҚИСКА ПРОГРАММА.

5 АПРЕЛЬ
соат 8.00 дан 12.00 гача
АЕЛЛАР—ЕЛҒИЗ УЧИШ, МАЖБҲУРИИ ФИГУРАЛАР.
соат 16.00 дан 18.30 гача
СПОРТ РАҚСЛАРИ, ОРИГИНАЛ РАҚС.

соат 20.00 да
ЭРКАКЛАР— ЕЛҒИЗ УЧИШ, ҚИСКА ПРОГРАММА.

6 АПРЕЛЬ

соат 16.00 дан 18.30 гача
АЕЛЛАР — ЕЛҒИЗ УЧИШ, ҚИСКА ПРОГРАММА.
соат 20.00 да
ЖУФТ БҲЛИВ УЧИШ, ЭРКИН ПРОГРАММА.

7 АПРЕЛЬ

соат 15.00 дан 18.00 гача
СПОРТ РАҚСЛАРИ, ЭРКИН РАҚС.

соат 20.00 да
ЭРКАКЛАР — ЕЛҒИЗ УЧИШ, ЭРКИН ПРОГРАММА.

8 АПРЕЛЬ

соат 15.00 дан 17.30 гача
АЕЛЛАР—ЕЛҒИЗ УЧИШ, ЭРКИН ПРОГРАММА.
соат 19.30 да

МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ЕПИЛИШИ. ҚАТНАШЧИЛАР
ПАРАДИ.

ҒОЛИВЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ.
КЎРГАЗМАЛИ ЧИҚИШЛАР.
БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОИИ
КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

Кассалар ҳар кун соат 10.00 дан 19.00 гача, мусобақалар
вақтида кечки программа тугагунча ишлайди.

КЎРГАЗМАЛИ ЧИҚИШЛАРДАН ТАШҚАРИ МУСОБА-
ҚАЛАРГА КОЛЛЕКТИВ БҲЛИВ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКА.
ЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31,
46-07-53, 46-68-77.